

UDC 002:001.4

## CONTENT, FORMS AND METHODS OF PRE-SCHOOL SPEECH DEVELOPMENT IN COLLABORATION WITH PARENTS

M.B. Sharipova<sup>1</sup>, M.B. Sadulloeva<sup>2</sup>*Abstract*

This article outlines the scientific and theoretical bases for the development of speech in preschool children.

*Keys words:* speech, mental development, education, active, speaking, pedagogical process, language and thought, dictionary, phonetics, grammar, preschool education.

Мактабгача тарбия муассасасининг оила билан ишлаш тизимида аниқ мақсад, мазмун бўлиши керак. Ота-оналар билан ҳамкорлик борасида аввал эришилган ютуқ ва тажрибаларнинг натижаларини таҳлил қилиб, хилма-хил ва ўзаро боғлиқ бўлган шакл ва усуллар ёрдамида режали ва изчил ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-оналар болаларини биринчи марта болалар боғчасига олиб борадиган кун кўпгина ҳиссий туйғулар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳар йили август ойининг иккинчи ярмида ота-оналар учун мактабгача тарбия муассасаси бўйича экскурсия, учрашув ҳамда умумий мажлислар ўтказиш мумкин. Бунда боғчанинг режими, иш мазмуни, таълим-тарбия жараёни ва ҳоказолар ҳақида сўзлаб берилади. Тарбиячилар, энагалар, ҳамширалар билан таништирилади. Болалар боғчасининг мудираси, тарбиячилар ва барча хизматчилари ота-оналарда яхши таассуротлар қолдиришга интиладилар, ота-оналар эса уларнинг болалари ўз касбини, ишини сеувчи тарбиячилар қўлида бўлишини кўриб қаноат ҳосил қилдилар.

Мактаб шароитида ва айни пайтда болалар боғчасида олти ёшлиларни ўқитиш таълимнинг ворислик тамойилларига қатъий амал қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Равшанки, ушбу шароитларда ҳар иккала гуруҳдаги тарбиячилар ўзга тилни ўқитишдаги ворисликнинг асосий йўналишларини етарли даражада яхши билишлари лозим. Қуйидаги ҳолатларда, яъни ўзга тилга бирламчи ўқитилганлик даражасини аниқлашда, вазифалар хусусиятини белгилашда, уларнинг мазмунини танлаб олишда, мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари ва усулларини белгилашда ворисликка риоя қилиниши лозим.

Болаларга она тилини ўргатиш ва уларнинг нутқини ривожлантиришга доир ишлар мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбия ишлари ичида алоҳида ўрин тутади. Ушбу ишнинг мақсади қуйидагилардан иборат: болаларга нутқий мулоқотнинг муҳим шакли – оғзаки нутқни адабий тил меъёрларига мувофиқ холда эгаллашни, тўлиқ кўринишда эса тушуниш ва фаол нутққа киришишни ўргатиш. Мазкур мақсаддан келиб чиққан холда мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш борасидаги вазифалар қуйидагилар ҳисобланади: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш; луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш; нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш; оғзаки (диалогик) нутқни ўргатиш; равон нутқни ривожлантириш; бадий сўзга қизиқишни тарбиялаш; савод ўрганишга тайёрлаш.

Нутқ ва мулоқот масалаларини, мактабгача даврдаги болаликнинг барча ёш босқичларида ушбу йўналишдаги педагогик ишлардан кўзда тутилган вазифаларни кўрибчиқамиз.

<sup>1</sup>Шарипова Махбуба Бахшуллевна – преподаватель кафедры дошкольного образования, факультет дошкольного и начального образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

<sup>2</sup>Саъдуллоева Мохинурбегим Баҳодир қизи – студент, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

Гўдаклик ёши: 0-1ёш. Бола ҳаёти катталар ҳаёти ва фаолиятига уйғунлашган бўлади. Аини пайтда болада унга таъсир ўтказиш учун бирон-бир ўзига хос инсоний воситага мавжуд бўлмайди.

Ушбу ёшда боланинг қизиқишлари атрофдаги оламга йўналтирилгандир. Унда янги таассуротларга эҳтиёж ёрқин пайдо бўлади. Бу ёшдаги ривожлантириш вазифалари қуйидагилардан иборат:

✓ Болалар муассасаларида, оилада болага ғамхўрлик кўрсатаётган катталарга нисбатан эмоционал боғлиқлик ва ишонч хиссини тарбиялаш.

✓ Унга нисбатан ижобий диққат-эътиборга бўлган эҳтиёжни қондириш.

✓ Кичкинтойнинг уни ўраб турган атроф-оламга ва унинг ўзига нисбатан қизиқишни ривожлантиришга қўмаклашиш.

Илк ёшдаги ижтимоий ривожланиш вазияти ва унинг генетик вазифаси. Бола ҳаётининг биринчи йили охирига келиб эришган натижалари янги ижтимоий ривожланиш вазиятини қуришни талаб қилади. Бу боланинг катта одам билан биргаликда фаолиятига оид вазиятдир. Ушбу биргаликдаги фаолият мазмуни – предметлардан фойдаланишнинг жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган усулларини ўзлаштиришдани борат (бола қошиқ билан овқатланишни, пиёладан ичишни, расм чизишни, стулчага ўтириш ва хоказоларни ўрганади).

Оилада нутқни тарбиялашда қуйидагиларга амал қилинади:

✓ Оила аъзоларидан сўзни тўғри қўллаш ва тўғри талаффуз қилишда орфоэпик қоидаларга амал қилиб, услубий жиҳатдан сўзларни тўғри қўллаш қоидаларига амал қилиш;

✓ Бола ҳаётидаги барча саволларга тушунарли ва чиройли қилиб тарбиялаш, бола нутқий фаолиятини яхшилаш;

✓ Расм-тасвирларга, борлиқдаги фикрларга муносабатини яққол билдирилганда катталарда тинглаш қобилиятини шакллантириш;

✓ Бадиий асарларни ўргатиш ва оилавий китобхонлик дақиқаларини одат тусига айлантириш;

✓ Бола томонидан чизилган расм ёки қуриш-ясаш ёрдамида ясалган уй-бинолар, пластилин ёрдамида ясалган ҳайвон, кулолчилик ишлари бунёд бўлганида бу асарлар ҳақидаги фикрлар, ҳаётий қарашларни сўраб ва уларга тайёрланган ишларга эътироф этиб, муносабат билдириш;

✓ Оилада ҳам “Ролли ўйин”лардан фойдаланиб, болалар нутқини шакллантириш орқали нутқий кўникмаларни шакллантириб борилади, Бугунги кунда “Илк қадам” дастурнинг Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожига оид Давлат талабларининг мақсадли йўналишларига мос келиши учун ҳам ота- оналар билан ҳамкорликда нутқ ўстиришда ташкилий ишлар амалга оширилиб, ёшни ҳисобга олган ҳолда ривожлантирувчи муҳитни ташкил қилиш, тарбияланувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари, уларнинг таълим эҳтиёжлари ва қизиқишларини ҳисобга олиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тихеева Е.И. Развитие речи детей. М., «Просвещение», 1981.

© М.В. Sharipova, М.В. Sadulloeva, 2018